

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ  
«ТУРИЗМ» кафедраси**

**5111000-касбий таълим (иқтисодиёт) йўналиши 4- босқич талабалари учун**

**«ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ ВА ИҚТИСОДИЁТИ» ФАНИДАН  
ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ,  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ БЎЙИЧА**

**УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

**Тузувчи: катта ўқитувчи З.Т.Жўраева**

Бухоро 2016 йил

***ТАҚРИЗЧИЛАР:***

- 1. Мўминов Х.И.- БухДУ, “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.**
- 2. Азимов Б.Ф. – БМТИ, “Менежмент” кафедраси доценти, и.ф.н.**

***Услубий кўрсатма:***

*Бухоро давлат университети “Туризм” кафедраси йиғилишида муҳокама қилинган ва тавсия этилган (4-сонли баённома, 18 декабрь, 2015 йил)*

*Бухоро давлат университети Ижтимоий-иқтисодий факультет Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва тавсия этилган (3-сонли баённома, 28 декабрь, 2015 йил)*

## Кириш

“Таълим менежменти ва иқтисодиёти” ўқув курсининг асосий мақсад ва вазифалари бакалаврият тингловчиларига Давлат таълим Стандартларига мувофиқ менежментнинг назарий ва амалий масалалари, Олий таълим иқтисодиёти ва таълим жараёнларини Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонунларига мувофиқ бошқаришни ташкиллаштириш бўйича чуқур ва ҳар томонлама билим бериш, шунингдек чет эл мамлакатлардаги таълим тизими билан таништиришдан иборатдир.

Ҳозирги замон глобаллашган иқтисодиётда фирмалар рақобатбардош бўлиши учун ташкиллаштириш қобилиятига, таъсирчан бошқарув тизимига эга бўлиши керак, уларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш юқори малакали мутахассисларни талаб этади, бу эса олий таълим тизимига янги талабларни қўймоқда. Шуниси ҳам муҳимки, таълим маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, инсоннинг маънавий ва маърифий қадриятларини шакллантиради. Келажакка интилган Ўзбекистон, ўзининг кадрларни тайёрлаш миллий дастурида асосий эътиборни шахсни шакллантиришда ижодий фикрлаш ва ташаббускор профессионал кадрларни тайёрлашга қаратган. Бу эса самарали ташкил этилган ташкилий структурага ва унга мос равишда таълим жараёнини бошқариш тизимига боғлиқ.

Ҳозирги пайтда олий ўқув юртларининг рақобатли фаолият юритиши малакали бошқарувга ва етарли молиялаштиришга асосланади. Кадрларни тайёрлаб берувчи муассасаларнинг иқтисодиёти – бу хизмат ва товарларни ишлаб чиқаришнинг ўзига хос миллий соҳаси бўлиб ҳисобланади.

Мазкур курс ОЎЮда таълим тарбия жараёнини бошқаришни такомиллаштиришга катта таъсир кўрсатувчи “Иқтисодиёт назарияси”, “Олий таълим педагогикаси”, “Менежмент”, “Макроиқтисодиёт”, “Персонални бошқариш”, “Социология”, “Психология”, “Маркетинг” каби фанлар билан ўзаро боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг кадрларни тайёрлаш бўйича миллий дастурида профессионал кадрларни меҳнат фаолиятининг асосий тамойиллари сифатида билимларини доимий равишда янгилаб туриш ва жамият эҳтиёжлари ва молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, янги мутахассисликларни эгаллаш зарурати туради.

“Таълим менежменти ва иқтисодиёти” фанидан амалий машғулотлар лаборатория машғулотлари сифатида ташкиллаштирилиши режалаштирилган бўлиб, унда талабалар маъруза машғулотларида олинган билимларни қўшимча адабиётлар ва амалий маълумотлар асосида кенгайтирадилар, тадқиқотлар олиб борадилар ва уларни мустахкамлайдилар.

**Лаборатория ишлари** ўқув материалларини асосий унсурларини ажратиб олиш, уларни устиворлигини аниқ йўналтириш талабаларга олган билим ва кўникмаларини амалиётда қўллаш жараёнида тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради. Мазкур амалий тартибдаги фаолият талабаларнинг у ёки бу масаланинг қандай ечилишини тўғри тушинишлари билан бирга, “нима учун?”, “қандай мақсадда?” деган саволларга тўғри жавоб бериш имкониятини

хам беради. Бу уларга олган билим ва кўникмаларни турли вазиятларда қўллаш имкониятини яратади.

Талабалар билимларни эгаллаши ва қайта эгаллаши ҳамда малакаларини ошириши учун кенг имкониятлардан фойдаланишга тўғри келади. Шу вазифаларни амалга оширишда интерактив ўқитиш усули катта аҳамиятга эга, жумладан: тренинг машғулотлари, гуруҳ бўлиб муҳокама қилиш, ролли ва иш ўйинлари шулар жумласига киради.

Ўқув материални ўрганишда тескари алоқани таъминлаш тингловчиларда ўз кучига ишончни оширади ва олинган янги билим ва кўникмаларини амалиётда қўллаш мотивациясини оширади.

Олинган билимларни кундалик профессионал фаолиятга ўтказиш ташкилотда ўзгача муҳитни яратади. Ишга янгича ёндашувдан фойдаланиш, яратилган шароитларини қўллаш етарлича бўлиб қолмай балки, олинган янги билим ва кўникмалардан фойдаланишни рағбатлантириш шароитларини яратиш керак бўлади ва улардан фойдаланиш заруратини талабалар олдига янги масалалар қўйиш, олинган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаш ҳисобга олинади. Бундай ҳолларда амалиётда янги усулларни қўллашда тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади.

## 1-лаборатория иши

### Мавзу. «Таълим менежменти ва иқтисодиёти» фанининг мазмуни, мақсади ва вазифалари

Мазкур лаборатория ишини бажариш учун талабаларга таълим муассасасининг турли босқич ва турли йўналишларида таҳсил олувчи талабалар гуруҳларида “Таълим муассасаси- талаба нигоҳида” номли анкета-сўровномаси ўтказиш таклиф этилади. Сўровнома 2 қисмдан иборат. Талаба сўровнома натижаларини таҳлил этади ва хулосаларни дарс жараёнида баён қилади. Сўровнома натижалари таълим муассасаси раҳбарияти ва ходимларига ҳам тақдим этилади. Анкета-сўровнома таркиби қуйидагича:

Хурматли талаба!

Сиздан ўзингиз ҳақингиздаги саволларга жавоб беришингизни, таълим муассасангиз ва ўқитувчиларингиз ҳақидаги фикрингизни билдиришни сўраймиз. Жавобларингизнинг барчаси жамланади ва умумлаштирилади. Биз жавобларингиз ошкор этилмаслигини кафолатлаймиз.

Жавобларингиз учун миннатдорчилик билдирамиз ва Сизга муваффақият тилаймиз.

1-саволнома. Умумий маълумот.

Марҳамат, жавоб талқинингизни белгиланг (доира ичига олинг).

Т.р.	Кўрсаткич номи	Тест жавоблари
1.	Кимсиз?	А. Қиз бола. Б. Ўғил бола
2	Қайси таълим муассасасида ўқийсиз?	А.Мақтаб. Б.Академик лицей. С.Касб-хунар коллежи.

		Д.ОТМ
3	Нечанчи босқичда таҳсил оласиз?	А. 1-курс Б.2-курс. 3-курс. Д.4-курс
4.	Қаерда яшайсиз?	А. Ота-онам билан ўз уйимда. Б. Қариндошларимникида. С. Ижарада тураман. Д. Ётоқхонада
5	Ўқишингизни қандай баҳолайсиз?	А.Аъло Б.Яхши С.Қоникарли Д.Қоникарсиз

2-сўровнома. Таълим муассасаси- ўқийдиганлар назарида.

Хурматли талабалар! Таълим муассасасининг қуйидаги кўрсаткичлари бўйича ўз фикрингизни билдиришингизни сўраймиз. Жавобингизни катакларда белгиланг.

Т.р.	Кўрсаткич номи	Менинг таълим муассасамга ўхшайди	Кам ўхшайди	Мутлақо ўхшамайди
1	Таълим олаётганлар ички тартиб-қоидаларига амал қилади			
2	Таълим олувчилар ўқитувчиларга салом берадилар.			
3	Таълим олувчилар ўзаро кўпол муомалада бўладилар ва бир-бирларига бақириб гапирадилар.			
4	Таълим олувчилар ўз таълим муассасалари билан фахрланадилар			
5	Таълим олувчилар бир-бирлари билан муносабатда жисмоний куч ишлатадилар (туртадилар, тегажоглик қиладилар)			
6	Таълим олувчилар ўзларини яхши тутадилар			
7	Таълим муассасаси шовқинли			
8	Ота-оналар ўқув муассасасига келишни ёқтирадилар			
9	Таълим муассасаси совуқ ва бесаранжом			
10	Таълим муассасаси тоза ва ёруғ			
11	Таълим муассасаси аудиториялари яхши жиҳозланган			
12	Таълим муассасаси ўқувчиларга ёқади			
13	Таълим муассасасида ўқув-тарбия ишлари яхши ташкил этилган			
14	Таълим муассасасида хавфсизлик яхши таъминланган			
15	Таълим муассасасида спортнинг зарур турлари мавжуд			
16	Таълим муассасаси лаборатория ишлари ва амалиётни ўтказиш учун яхши негизга эга			
17	Таълим муассасасида қизиқарли учрашувлар ташкил этилади.			

18	Таълим муассасаси ўқитувчилари ахборот-компьютер технологияларини яхши ўзлаштиришган.			
19	Ўқитувчиларнинг билим-даражаси юқори баҳолашга лойиқ			
20	Ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатлари ҳавас қилса арзигулик даражада			
21	Таълим муассасасида ўқитувчилар ва талабалар ўртасида илиқ муносабатлар ўрнатилган			
22	Бошқарув тизими ходимлари талабалар муаммоларини ҳал қилишда ўз ёрдамларини аямайдилар.			
23	Таълим муассасасида умумовқатланиш яхши ташкил этилган			
24	Мен таълим муассасамни ўзгартирган бўлар эдим	Ҳа	Йўқ	Билмайман
25	Назарингизда: Энг яхши 3 нафар ўқитувчилар таркибини киритинг	1.	2.	3.

Таълим муассасаси ишини янада яхшироқ ташкил этиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш керак деб ҳисоблайман:

-----  
-----  
-----  
-----  
-----  
-----  
-----

## 2-лаборатория иши

### Мавзу: Таълим тизимини бошқаришнинг илмий асослари ва стратегияси

Мазкур лаборатория ишини бажариш учун талабаларга кейс таклиф этилади. Уни бажариш ва баҳолаш тартиби қуйида келтирилган.

#### Кейс

2001 йилнинг боши. «Ороми» АЖнинг директорини кредит ва қарзнинг асосий суммаси бўйича фоизларни тўлаш вақти етиб келаётганлиги ҳақидаги ҳаёллар тез-тез қийнайдиган бўлиб колди. Аҳвол оғир эди. Молиявий менежер башоратига кулок солинадиган бўлса, махсулотларни сотишдан келадиған тушум талаб қилинадиган суммани

қоплашга етмайди. Нима учун бундай ҳолат юзага келди? Бошида мазкур лойиҳа нуқсонсиз ва заводга янги ҳаёт берадигандек туюлганди, ахир.

Қирғизистоннинг «Оғирэлектромаш» оғир машинасозлик заводи хусусийлаштириш жараёни, хўжалик алоқаларининг узилиши, МДХ ва яқин хориждаги эски мижозларни йўқотиш ва банкротликдан сал берироқ фаолият юритарди.

Завод раҳбарияти корxonани инқирозлик ҳолатидан олиб чиқиш мақсадида эди. Шунинг учун «Қирғизэнерго» АЖнинг трансформаторлар ишлаб чиқариш бўйича таклифи заводни ўзига жалб қилди.

Оғир машинасозлик заводи узоқ тарихга эга эди. У 60 - йилларда ташкил этилган бўлиб, электротехник маҳсулот ишлаб чиқарадиган заводларнинг асосий технологик бўғинларидан бири бўлиб ҳисобланарди.

30 йил ичида корхона ўз маҳсулотини бир неча бор диверсификация қилиб трансформаторлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

«Қирғизэнерго» АЖ ининг таклифи қуйидаги сабабларга кўра аҳамиятли эди:

\* Энергия захиралари Қирғизистон учун стратегик аҳамиятга эга ва бу тармоқнинг ривожланиши давлат иқтисодиётини ўзагини ташкил этади;

\* «Қирғизэнерго» АЖ асосий трансформатор исьтемоличиси сифатида маҳсулотни реализация қилиш бўйича ҳеч қандай муаммоларни юзага келмаганлиги.

Қирғизистонда 25000 та трансформатор подстанциялар фаолият юргизади. Бу подстанцияларда эксплуатация қилинаётган жиҳозлар 6-7 ойларда ўрнатилган ва унинг ярмидан кўпи ишдан чиққан. Уларни янгисига алмашиш чораларини зудлик билан кўриш керак. Шунинг учун «Қирғизэнерго» АЖ 25 йилга мўлжалланган лойиҳа ишлаб чиқди, унга кўра у йилига 1000 та трансформатор ишлаб чиқаради (трансформаторларнинг ҳам ишлаш муддати 25 йил). Ислом тараққиёт банкидан инвестор топди ва ушбу лойиҳани амалга оширишни «ОРОМИ» АЖ га таклиф қилди, чунки фақат улар трансформатор ишлаб чиқаришгагина ихтисослашган.

Лекин ҳаёт ўзининг ўзгаришларини киритди. Республикада охириги йилларда юзага келган иқтисодий аҳвол «Қирғизэнерго» АЖ ининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатди ва у трансформаторни сотиб олиш бўйича ваъдаларини бажариш имконида бўлмади. «Қирғизэнерго» АЖ йилига 300 дан ортик трансформаторни сотиб олмасдан ва электр энергия билан ҳисоб-китоб қиларди. Бу оборот воситалари ва сотиш билан боғлиқ бўлган маълум қийинчиликларни жамият фаолиятига олиб келди ( тайёр хом ашё Россиядан келтириларди).

2001-йилнинг охирида яна бир нохуш воқеа юз берди - «Қирғизэнерго» АЖ кўрсатаётган функцияси бўйича 3 та бўлимга ажралди: ишлаб чиқариш, ўтказиш, тақсимлаш. Энди «ОРОМИ» АЖ электро энергияни тақсимлаш бўйича корxonалар билан ишлашга мажбур, улар эса ўз навбатида худудий хусусиятлари бўйича бўлиндилар.

«ОРОМИ» АЖ ва Ислон таракқиёт банки ўртасида инвестициялаш бўйича тузилган шартнома қуйидаги шартларни ўз ичига олади: 5,5 млн.доллар кредит 10 йилга (1998-2008 йиллар) йилига 7%, биринчи 2 йил - имтиёзли давр, унда фоизлар ажратилади лекин тўланмайди. 2002 - йилдан бошлаб фоизлар ва асосий сумманинг маълум қисмини тўлашни бошлаш зарур.

Буларнинг ҳаммасини директор ўйлаб кўриб навбатдан ташқари мажлис чақиришга қарор қилди, унда у юзага келган аҳволни раҳбарлар билан муҳокама қилиш ва корхона фаолиятининг молиявий натижаларини яхшилаш бўйича ҳар бир бўлимга таклиф ва чора тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар бериш ниятида эди.

Саволлар:

АЖ ларнинг директори ҳар бир раҳбари (молиявий ишлаб чиқариш, маркетинг, кадрлар бўйича ) ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг ва муаммони мумкин қадар ҳал қилиш йўллари таклиф қилинг.

Агар «Қирғизэнерго» АЖ ўз вақтида ушбу лойиҳани таклиф қилмаганда, кризис ҳолатидан чиқишнинг қандай йўллари кўряпсиз?

Гуруҳда ишловчиларни баҳолаш шкаласи.

Ишонтириш қобилияти	9 8 7 6 5 4 3 2 1	Ишонтириш қобилиятининг йўқлиги
Ҳамкорлик қобилияти	9 8 7 6 5 4 3 2 1	Ҳамкорлик қобилиятининг йўқлиги
Янги вазиятга мослашиш	9 8 7 6 5 4 3 2 1	Янги вазиятга мослаша олмаслик
ўз-ўзини назорат қилиш	9 8 7 6 5 4 3 2 1	ўзини тута олмаслик
Нутқ сўзлаш қобилияти	9 8 7 6 5 4 3 2 1	Нутқ сўзлай олмаслик
Сўзлар захираси	9 8 7 6 5 4 3 2 1	Сўзлар захирасининг етарли эмаслиги
Сухбатдошни эшита олиш	9 8 7 6 5 4 3 2 1	Сухбатдошни эшита олмаслик
Ижодий қарор яратиш қобилияти	9 8 7 6 5 4 3 2 1	Ижодий ёндошувнинг мавжуд эмаслиги
ўз фикрини асослай олиш	9 8 7 6 5 4 3 2 1	ўз фикрини асослай олмаслик
Хулқ-атвор этикага мослиги	9 8 7 6 5 4 3 2 1	Ноэтик хулқ-атвор



Ишбилармонлик ўйинини ўтказувчи музокаралар жараёнида консенсусни эришиш ва қарор қабул қилишда асосланган фикрларни, таклифларни гуруҳ аъзолари томонидан эътиборга олиш тўғрисида фикр алмашишни, дискуссияни ташкил этади. Якуний хулосаларни келтиринг.

### **3-лаборатория иши**

#### **Мавзу: Таълим соҳаси менежерининг инсоншунослик бўйича маълумоти**

Мазкур мавзу бўйича лаборатория ишини бажариш учун талабаларга “**Ишингизни рисоладагидай уддалай оласизми?**” мавзусида тест –сўровнома таклиф этилади. Улар ўзлари ва гуруҳдошларининг хусусиятларини баҳолашлари сўралади.

#### **Тест:**

##### **Ишингизни рисоладагидай уддалай оласизми?**

1. Нотаниш кишиларга муносабатингиз.
  - a) ҳурмат билан қарайман.
  - b) бефарқман.
  - c) ёқтирмайман.
2. Иш юзасидан учрашув белгилаб қўйган бўлсангиз-у фарзадингиз шамоллаб қолса.
  - a) касаллик варақасини очтириб, учрашувни қолдираман.
  - b) учрашув вақтида боламни қўшнига қолдираман.
  - c) боламни озгина фурсатга ёлғиз қолдираман.
3. Катта пулни сарфлашнинг энг маъқул йўли;
  - a) чиройли буюмларни харид қилиш.
  - b) банка жамғармага қўйиш.
  - c) акциялар сотиб олиш.
4. Танлашга тўғри келиб қолганда мен;
  - a) кўзимни шартта юмиб, таваккал қиламан.
  - b) яқинларим, дўстларим билан маслаҳатлашаман.
  - c) танлаш ҳукуқини дўсту яқинларимга ҳавола этаман.
5. Менга ёқадиган иш;
  - a) узоқ бош қотирмайдиган бўлиши керак.
  - b) қийин вазиятларга тушиб қолиш ҳолати кам бўлгани.
  - c) узоқ ўйлаб. кейин бир тўхтамга келинадиган ишлар.
- б. Менга бақришса;
  - a) мен ҳам бақираман.
  - b) ўзимни босишга ҳаракат қиламан.
  - c) хушмуомалалигимча қоламан.
7. Агар имкони бўлганда эди, мен:

- a) ишламаган, ўз шахсий ишларим билан шуғулланган бўлардим.
  - b) жамоатчилик ишлари билан машғул бўлардим.
  - c) фаол ташкилотчилик ишини топган бўлардим.
8. Агар қизиқ ва даромадли ишни танлашга тўғри келса, мен:
- a) қизиқ ишни танлаган бўлардим.
  - b) даромадли ишни танлардим.
  - c) даромадлисини қизиқроқ иш сифатида қабул қилардим.
9. Агар нима қилишни билмай қолсам:
- a) жавоб топиш учун зарур адабиётларни қидираман.
  - b) яқинларим, дўстларим билан маслаҳатлашаман.
  - c) кайфиятга қараб иш тутаман.
10. Ҳал этиб бўлмайдиган вазиятлар:
- a) бўлмайди, деб ҳисоблайман.
  - b) улардан кўркиш керак эмас, деб ҳисоблайман.
  - c) одамларга дастлаб шундай туюлади. аслида ҳар қандай ҳолатдан чиқиб кетса бўлади, деб ҳисоблайман.

#### Баллар:

№	a	B	C	№	a	b	c
1	3	5	0	6	1	5	0
2	1	5	0	7	2	0	5
3	2	4	0	8	2	0	4
4	2	5	0	9	5	1	2
5	1	2	0	10	0	1	5

#### Натижалар:

**3 дан 18 баллгача.** Ўзингизни оила, фарзандлар тарбиясига кўпроқ бағишламоқчилигингиз чакки эмас. Сиз, ҳозир топилиши қийин бўлган ўта ноёб ҳислат соҳибсиз. Уйим – жойим, оилам дейдиган кишилар ҳозир нақ анқонинг уруғи. Айнан оила даврасида ўзингизни эркин тутасиз.

**19 дан 34 баллгача.** Бирорта касбда муқим тўхтай олмайдиганлар кишилардансиз. Тадбиркорликда ўзингизни синаб кўринг. Чикқан балларингиздан шуниси маълумки, Сизга ички ташкилотчилик кўпроқ тўғри келади. Омадни қўлдан берманг.

**35 дан 37 баллгача.** Тадбиркорлик, ишни ташкил этиш, келишувлар олиб бориш ва ҳамкорлар қидириш, айнан сиз учун! Анна шу соҳаларда эришган ютуқларингиздан кўпроқ қониқиш оласиз. Омад ўзи сиз томон талпинмоқда.

### Тест:

#### Қуйида берилган 16 саволга “ха”, “йўқ”, “баъзан” деб жавоб беринг:

- 1) Сизни амалий учрашув кутмоқда. Уни бегоқатлик билан кутасизми?
- 2) Сизни бирор касаллик ҳолдан тойдирмагунча, врачнинг олдига боришни орқага суравермайсизми?
- 3) Сизни бирор мавзудаги ахборот билан йиғилиш, мажлис ва шунга ўхшаш тадбирда маъруза билан чиқиш топшириғи хавотирга соладими?
- 4) Сизга илгари бормаган шахрингизга сафарга бориб келишни таклиф этишди. Шу сафарга бормаслик учун бор имкониятни ишга соласизми?
- 5) Ўзингиздаги ҳиссий кечинмалар билан кимлар биландир ўртоқлашишни яхши кўрасизми?
- 6) Кўчада сизга нотаниш одам бирор илтимос билан мурожаат қилса, сизнинг ғашингиз келадими?
- 7) Сиз “Оталар ва болалар” муаммоси борлиги ва турли авлод вакилларининг бир - бирларини тушунишлари қийинлигига ишонасизми?
- 8) Танишингизга бир неча ой аввал олган қарз пулини эслатишга уяласизми?
- 9) Ошхона ёки ресторанда сизга ёқмайдиган таом беришди, идишни четга суриб, аччиғингиз келганини яшира оласизми?
- 10) Бегона одам билан ёлғиз қолганингизда, у биринчи бўлиб гап бошласа, Сизга жавоб қайтариш малол келадими?
- 11) Сиз турли ерларда одамларнинг узун навбатда туришганини кўрсангиз, тоқатингиз тоқ бўладими. Навбатда туриб кутишдан кўра, ўз ниятингиздан воз кечишни афзал кўрасизми?
- 12) Бирор жанжалли вазиятни муҳокама қилиши керак бўлган комиссиянинг аъзоси бўлишдан кўрқасизми?
- 13) Сизда бирор адабиёт, санъат ва маданият асарларини баҳолашнинг соф индивидуал мезонлари бор ва бу борада бошқаларнинг фикрини қабул қилмайсиз. Шундайми?
- 14) Сизга жуда таниш бўлган масала бўйича бошқаларнинг нотўғри фикрларини тасодифан эшитиб қолсангиз, индамай кўя қоласизми?
- 15) У ёки бу масалада ёрдам беришингизни сўрашса, сиз бундан оғринасизми?
- 16) Ўз нуқтаи назарингизни оғзаки баён этгандан кўра, уни ёзма тарзда ифодалашни афзал кўрасизми?

### Энди балларни ҳисобланг:

“ҳа” - 2 балл, “баъзан” - 1 балл, “йўқ” - 0. Шу тарзда балларни қўшиб чиққач, одамларнинг қайси тоифасига киришингизни билиб оласиз.

**14-18 балл.** Сизнинг мулоқатга киришувчанлигингиз яхши, ўртача. Сиз қўп нарсага қизиқасиз, бошқаларни бажонидил тинглайсиз, ўзгалар фикрига сабр-тоқатлисиз, ўз фикрингизни босиқлик билан изҳор этасиз. Бегоналар билан учрашувга бориш сиз учун унчалик нохуш эмас, лекин шовқин-суронли даврани ёқтирмайсиз, одамларнинг сергапи сизга ёқмайди.


**9-13 балл.** Сиз мулоқотга киришувчансиз. Қизиқувчан, сергап, турли масалаларда ўзгалар билан гаплашишни яхши кўрасиз. Янги одамлар билан танишиш, давранинг диққат марказида бўлишни ёқтирасиз. Ўзгаларнинг илтимосларини бажармасангиз ҳам қабул қилаверасиз. Аччиғингиз тез, лекин тез совийсиз. Сизга сабр-тоқат, қийинчиликлар билан тўқнашганда жасорат етишмайди. Лекин астойдил хоҳласангиз, ўзингизни ён бермасликка кўндиришингиз мумкин.

## 4-лаборатория иши

### Мавзу: Бошқарувнинг илмий асослари.

Мазкур мавзу бўйича лаборатория ишини бажариш учун талабаларга психогеометрик тест таклиф этилади. Улар ўзлари ва гуруҳдошларининг хусусиятларини баҳолашлари сўралади.

### ПСИХОГЕОМЕТРИК ТЕСТ



Кўрсатма: юқорида ифодаланган бешта шаклга қаранг. Сиз «Бу — Мен» деб айта оладиган шаклингизни танлаб олинг. Фақат ҳеч қандай мантиқий таҳлил ва нокерак ақлий ҳаракатлар билан шуғулланманг. Бу ҳеч нарсага олиб келмайди. Фақат ўзингизни шаклингизни ҳис қилишга ҳаракат қилинг. Агар жуда қийналаётган бўлсангиз, шакллар ифодаланган варақни кузатганингизда биринчи бўлиб сизнинг диққатингизни жалб этган шаклни танланг. Бу шаклнинг номини биринчи рақам билан ёзиб қўйинг. Энди қолган тўртта шаклни ушбу тартибда ўзингизга маъқуллиги асосида ўринларга жойлаштириб чиқинг. Марҳамат, узоқ ўйламасдан бу ишни амалга оширинг.

Агар қийналсангиз, куйидаги стратегиядан фойдаланинг: тасаввур қилингки, қолган 4 та, кейин 3 та, кейин 2 та шакл орасидан ўзингизни танлашингиз керак. Биз тажрибанинг бошиданок сизга бешта эмас, балки тўртта, учта шакл таклиф этишимиз ҳам мумкин эди - ку.

Охирида қолган, яъни номини сиз бешинчи рақам билан белгилаб қўядиган шакл, яққол сизники бўлмаган, яъни сизга тўғри келмайдиган шакл бўлади.

Сизни табриклаймиз. Ишнинг биринчи, энг оғир босқичи якунланди. Олдингизда сизнинг субъектив интилишингиз акс этган геометрик шаклларнинг тартибли қатори турибди. Сиз биринчи ўринга қайси шаклни қўйганингиздан қатъий назар бу сизнинг асосий шаклингиз, ёки субъектив шаклингиз. Айни шу сизнинг характерингизда ва хулқ - атворингиздаги асосий, устун белги ва хусусиятларни аниқлаш имконини беради. қолган тўртта шакл эса сизнинг хулқ - атворингиздаги етакчи оҳангни безаб турадиган ўзига хос белгиловчилар. Уларнинг таъсир кучи тартиб рақами ортиб бориши билан пасайиб боради. Агарда иккинчи ўринда турган шаклнинг айрим характеристикаларини сиз ўз хулқ - атворингизда кўришингиз мумкин бўлса, охирида, бешинчи ўринда турган шакл сиз яққол ўзингизда бўлмаган (ўзингизга ёқмай турган) вақтингизда намоён бўлади. Охири шаклнинг бошқача аҳамияти сиз учун муҳимроқ — у сизга ўзаро муносабатга киришингиз энг қийин кечадиган одамнинг шаклини кўрсатади (ишончимиз комилки, сиз психогиеометрик тест ёрдамида бу қийинчиликни муваффақият билан бартараф этасиз). Келинг, энди психогиеометрик тилни тушуниш билан шуғулланамиз.

### **Шахс асосий шаклларининг қисқача психологик тавсифи**

**КВАДРАТ.** Агар сизнинг асосий шаклингиз Квадрат бўлса, демак — сиз хормас — толмас меҳнаткашсиз! Меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, бошлаган ишни охирига етказишга бўлган эҳтиёж, ишни тугаллашга эришишга имкон берадиган қатъиятлилик — булар ҳақиқий Квадратларни машҳур қиладиган нарсалардир. Чидамлилиқ, торқат ва ишни кўзини билишлилик одатда Квадратларни ўз соҳасида юқори малакали мутахассис бўлишини таъминлайди. Квадратларда информацияга нисбатан жуда кучли эҳтиёж мавжуд, улар турли — туман маълумотларнинг коллекционерлари ҳамдир. Чунончи бу коллекция қаерда — миядами ёки махсус, картотекадами сақланишидан қатъий назар, у жуда тартибли сақланади. Барча маълумотлар системалаштирилган, жавонларга ажратилган. Квадрат зарур информацияни шу захотиёқ бера олади. Шунинг учун ҳам Квадратларни ҳақли равишда эрудит (жуда бўлмаганда ўз соҳасида) деб ҳисоблашади.

Фикрий таҳлил — Квадратнинг энг кучли томонидир. Агар сиз ўзингиз учун тўғри чизиқли шакл бўлмиш Квадратни қатъий танлаган бўлсангиз, демак шу нарса аниқки, сиз «чап ярим шарли» фикрловчилар, информатика тили билан айтганда информацияларни: а - б - в - г ва ҳоказо кетма - кетликда қайта ишловчилар тоифасига кирасиз. Квадратлар натижани тахмин қилишдан кўра кўпроқ «ҳисоблаб» чиқарадилар. Улар фикрлаш занжирида бирорта ҳалқани ҳам ўтказиб юбормайдилар, бошқалар бу нарсани қилсалар, тушунишда қийналадилар, бунинг натижасида дискомфорт сезадилар. Квадратлар майда икир - чикирларга ҳаддан ташқари эътиборлилар. Айнан Квадратлар кўпинча бошқа шакл эгалари

берган буюк фикрлар, проектлар ва режаларнинг барча конкрет деталларини ишлаб чиқадилар.

Квадратлар ўзгармас тартибни яхши кўрадилар: ҳар бир нарса ўз жойида бўлиши ва ўз вақтида амалга ошиши зарур. Ҳақиқий Квадрат «Столдаги тартибсизлик — миядаги тартибсизликдир» деган мақолга чин дилдан ишонади. Квадратнинг идеали - режалаштирилган, олдиндан айтиш мумкин бўлган ҳаётдир, унга турли «сюрпризлар» ва воқеаларнинг бориши одатининг бузилишлари сира ёқмайди. У доимо одамларни ва нарсаларни ўз атрофида «тартиблаштиради» ва ташкил этади.

Ушбу барча сифатлар шунга олиб келадики, Квадратлар жуда яхши администратор бўлиши мумкин (бўлади ҳам), лекин афсус улар камдан — кам яхши раҳбар, менеджер бўлишлари мумкин. Табиийки, Квадратнинг юқорида кўрсатилган барча устунликлари ундаги ожиз томонлар билан ёнма - ён кечавериши мумкин. Айбсиз битта Парвардигорнинг ўзи!

Сарамжом — саришталик, тартиб қоида ва одатларга риоя қилиш ҳаддан ташқари ортиқча бўлиб кетиши мумкин. қачонки, қарор қабул қилиш вақти келса, айниқса бу қарор таваккалчилик билан ёки ўз обрўсига путур етказиш билан боғлиқ бўлса, Квадрат хоҳлаб ёки хоҳламай бу қарорни қабул қилиш муддатини чўзаверади. Бундан ташқари, рационаллик, ҳиссий қуруқлик ва совуқлик Квадратга турли, айниқса ёқмайдиган шахслар билан алоқага киришишга халақит беради, бу нарса ҳам одамларни бошқаришда муваффақиятга эришишга халақит беради. Квадрат аморф, яъни «чап қўл нима қилаётганини ўнг қўл билмайдиган» ҳолатда самарасиз ҳаракат қилади. Аммо яхши ташкиллаштирилган, ижро муддатлари белгиланган, маълумотлар ва асбоб ускуналардан фойдаланиш аниқ, бўлган, аниқ талаблар шакллантирилган ва ҳаракатнинг аниқ кўрсатмалари берилган шароитларда Квадрат қолган барча шакллардан устун бўлади.

**УЧБУРЧАК.** Бу шакл лидерлик белгисидир, кўпчилик Учбурчаклар ўзларининг ушбу хусусиятларини сезадилар: «улар лидер бўлиш учун туғилганлар». Ҳақиқий Учбурчакнинг энг характерли хусусияти — бош мақсадга ўз диққатини қарата олиш қобилиятидир. Учбурчаклар ҳаракатчан, тутқич бермас, кучли шахслар бўлиб, улар аниқ, мақсадлар кўядилар ва одатда, уларга эришадилар.

Албатта, Учбурчаклар ўзларининг асосий мақсади нима эканлигини ҳар доим биладилар, шунинг учун ҳам улар Квадратлардан фарқ қилиб — жуда қатъиятли одамлардир. Улар ўзларининг қариндошлари — Квадратлар сингари, тўғри чизиқли шаклларга хос ва йўналишига кўра ҳам «чап ярим шарли» фикрловчи, яъни шароитни чуқур ва тез таҳлил қила оладиган тоифага кирадилар. Аммо, ўз диққатини икир — чикирларга қаратувчи Квадратларга қарама — қарши ўлароқ, Учбурчаклар асосий нарсага, муаммонинг мазмунига ўз диққатини қаратадилар. Улардаги кучли фойдага йўналганлик уларнинг фикрий таҳлилини йўллаб туради ва мазкур шароитда муаммо ечимининг самарали (кўпинча фойдали) йўлини топишга қаратади. Бундай йўналганлик Учбурчакларни энг яхши ечимни излашда турли-

туман вариантларни берилиб таҳлил қилишдан асрайди. Бу нарса бошқаларда, ўзига унчалик ишонч бўлмаган кишиларда кучли таассурот пайдо қилади ва улар Учбурчакка эргашадилар.

Учбурчак — бу жуда ўзига ишонган, барча нарсада ўзи ҳақ бўлишни хоҳловчи одам, одам нарсада ҳақ бўлишга ва шароитни бошқаришга, фақат ўзи учун эмас, балки имкон даражасида бошқалар учун ҳам қарор қабул қилишга бўлган кучли эҳтиёж Учбурчакни бошқалар билан доимо рақобатлашувчи, курашувчи шахсга айлантириб қўяди. Учбурчак киришган ҳар бир ишда етакчи установа — бу ғалабага, ( ютуққа, муваффақиятга бўлган установадир. У жуда тез - тез таваккал қилади, қарор қабул қилишда иккиланувчи одамларга нисбатан чидай олмайдиган ва ёқтирмайдиган бўлади.

Учбурчаклар ноҳақ бўлиб қолишни жуда ёқтирмайдилар ва ўз хатоларини жуда қийинчилик билан тан оладилар. Айтиш мумкинки, улар кўпинча ўзлари кўришни хоҳлаган нарсани кўрадилар, шунинг учун ҳам ўз қарорларини ўзгартиришни ёқтирмайдилар, эътирозларини қабул қилмайдилар ва кўпчилик ҳолларда ўзларича иш тутадилар. Лекин улар ўзларининг прагматик йўналишларига мос келадиган, бош мақсадга эришишга ёрдам берадиган нарсаларга жуда муваффақиятли ўрганадилар, фойдали информацияларни худди сўргичдек ўзига сўриб оладилар.

Учбурчаклар - иззат - нафсли одамлар. Агар Квадрат учун ор - номус иши бажарилаётган вазифани юқори сифатига эришиш бўлса, Учбурчак эса юқори мавқега эришишга, юксак статус эгаллашга, бошқача айтганда, карьера қилишга интилади (буни Уч бурчакнинг салбий сифати деб қарамаслик керак). Бирон — бир ишни бошлаш ёки қарор қабул қилишдан олдин Учбурчак онгли ёки онгсиз ҳолда ўз олдига «Бундан нима фойда кўраман?» деган саволни қўяди. Ишонаверинг: Учбурчак қандай қарор қабул қилмасин, бунда албатта Учбурчакнинг шахсан ўзи учун фойда (хар доим ҳам моддий эмас) акс этган бўлади. Учбурчаклардан бошқаришнинг энг «юқори» даражасида турадиган зўр менеджерлар туради. Улар айни «юксакликка» интиладилар. Бунда уларга яна битта сифат — «сиёсий фитначилик» малакаси ёрдам беради. Улар ўзидан юқори турган раҳбариятга ўзининг ва қўл остидагилар ишининг аҳамиятлилигини усталик билар етказа оладилар, фойдали ишнинг ҳидини бир чақиримдан сезадилар ва бу нарса учун курашда ўз рақибларини «бир — бирлари билан пешонасини уриштириб» қўя оладилар. Мана шу ерда «учбурчак» шаклининг бош салбий сифатига эътибор бериш керак: бу ўзига йўналтирилган кучли эгоцентризм. Бу нарса шунга олиб келадикки, Учбурчаклар ҳокимият тепасига интилаётиб ахлоқий нормаларни унчалик писанд қилмайдилар ва ўз мақсади сари бошқаларнинг бошларида юриб боришлари ҳам мумкин. Бу ҳолат бошқаларда қўрқув ва шунга асосланган ҳурмат юзага келтириши мумкин, лекин ҳеч ҳам уларга нисбатан мойиллик ва муҳаббат ҳосил қилмайди. Шундай булса-да... қўрқманг! Бу «ашаддий», яъни вақтида бошқалар томонидан тўхтатилмаган Учбурчакларгагина хосдир. Умуман олганда, Учбурчаклар келишган, ўзига жалб қилувчи одамлар бўлиб (шундай бўлмаса ким ҳам уларга эргашар эди).

**ТЎҒРИ ТЎРТБУРЧАК.** Тўғри тўртбурчаклар, сизлар учун ҳозир ўқийдиган нарсангиз кутилмаган ҳодиса бўлмаса керак. Шундоқ ҳам сиз ўзингиз тўғрингизда ҳамма нарсани биласиз.

Гап шундаки, Тўғри тўртбурчак ўтиш ва ўзгариш ҳолатини акс эттиради. Бу, айтиш мумкинки, шахсинг вақтинчалик шакли бўлиб, қолган тўртта нисбатан турғун шакллар ҳаётнинг маълум бир даврида бу шаклни ўзига «кийиб» юриши мумкин. Булар ҳозирги кунда ўзлари кечираётган ҳаёт тарзидан қониқмаётган, шунинг учун ҳам яхши ҳолатни излаш билан банд бўлган одамлардир. Мумкин, сизлардан кимдир яқиндагина касбий статуси ўзгаришини бошидан кечиргандир (мослашув талаб қиладиган ҳолатлар: янги ишга ўтиш, лавозимда кўтарилиши ёки пасайиши): кимдир шунақа ўзгаришларни олдиндан кўраётган, сезаётган бўлиши мумкин. Кимнингдир шахсий ҳаётида ўзгаришлар булгандир. Умуман, Тўғри тўртбурчак ҳолатининг сабаблари турли — туман бўлиши мумкин, лекин уларни бир нарса бирлаштиради — ўзгаришларнинг маълум одам учун аҳамиятлилиги.

Тўғри тўртбурчакнинг асосий психик ҳолати муаммолардаги чалкашлик ва айти шу пайтда ўзига нисбатан ноаниқликдир. Бу билан параллел равишда унда ички кўзгалиш ошиб боради ва бу унинг хулқ — атворида акс этмасдан қолмайди.

Тўғри тўртбурчакнинг энг характерли белгилари — ўтиш даври давомида хатти — ҳаракатлардаги изчилликнинг йўқлиги ва уларни олдиндан билиш қийинлигидир. Сиз, тўғри тўртбурчаклар, кундан — кунга, ҳатто бир куннинг ичида ҳам кучли ўзгаришларингиз мумкин. Бу табиий ҳол, чунки Тўғри тўртбурчакларнинг берадиган баҳоси паст бўлади, нимададир яхшироқ бўлишга интиладилар, янги иш методларини, ҳаёт услубларини излайдилар. Агар Тўғри тўртбурчакнинг хулқ- атворига диққат билан разм солинса, бутун давр давомида унинг гоҳ «учбурчак», гоҳ «айлана» ва ҳоказо шаклларнинг кийимини ўзига кийиб кўрганлигини пайқаш мумкин. Тўғри тўртбурчакнинг хулқ — атворидаги бирданига, кутилмаганда ва олдиндан билиб бўлмайдиган даражада ўзгариб туриши одатда бошқа одамларни уялтиради ва хавфсиратади, улар онгли равишда «ўзаги йўқ одам» билан мулоқотдан қочишлари мумкин. Тушунарли, ким ҳам, аҳмоқона ҳолатга тушиб қолишни истайди. Тўғри тўртбурчакларга бошқа одамлар билан мулоқотга киришиш жуда зарур, ўтиш даврининг яна битта мураккаблиги шундан иборат.

Шундай булсада, бошқа одамлардаги сингари Тўғри тўртбурчакларда ҳам атрофдагиларни ўзига жалб қилувчи ижобий фазилатларни кўриш мумкин. Бу энг аввало — қизиқувчанлик, синчковлик, бўлаётган барча ҳодисаларга жонли қизиқувчанлик ва ботирлик. Тўғри тўртбурчаклар олдинлари ҳеч қачон қилмаган ишларни қилишга интиладилар, олдин сўрашга юраги бетламаган нарсаларни сўрайдилар. Мазкур даврда янги ғоялар, тафаккур ва ҳаёт услублари учун очикдирлар, барча янгиликни осонликча ўзлаштирадилар. Тўғри, буларнинг орқа томони — ҳаддан ташқари ишониш, ишонувчанлик, соддаликнинг мавжудлигидир. Шунинг учун ҳам Тўғри тўртбурчаклардан осонликча фойдаланиш мумкин, ахлоқ қоидаларини унчалик писанд қилмайдиган одамлар албатта бундан фойдаланадилар. Агар сиз ҳақиқатдан ҳам «Тўғри тўртбурчак» шаклини олган бўлсангиз, эҳтиёт бўлинг! Шунини



билингки, «Тўғри тўртбурчаклик» — бу бир босқич холос. У албатта ўтади. Ва сиз бу даврда ўзлаштирилган тажриба билан бойиб, шахс ривожининг янги босқичига чиқасиз.

**АЙЛАНА.** Геометрик жихатдан Айлана — бу гармониянинг афсонавий символидир. Ишонч билан ўзининг асосий шакли сифатида Айланани танлаган одам энг аввало яхши шахслараро муносабатлар тарафдоридир. Айлана учун энг юксак қиймат — одамлар, уларнинг бахти. Айлана бешта шакл орасида энг очик кўнгилидир. У кўпинча иш жамоасини ҳам, оилани ҳам мустаҳкамлаб турувчи «елим» вазифасини бажаради, яъни гуруҳни стабиллаштиради.

Айлана бешта шакл орасидаги энг яхши коммуникаторлардир, чунки улар энг яхши тингловчилар ҳамдир (Учбурчаклар ҳам яхши коммуникаторлар, лекин улар бошқалардан кўра ўзларини кўпроқ тинглайдилар). Улар юқори сезгирликка эгалар, ривожланган эмпатияга ҳамдард бўла олиш, бошқа одамларнинг кечинмаларига ҳиссий шерик бўла олиш қобилиятига эгалар, Айлана бошқаларнинг қувончини, бошқаларнинг қайғусини ўзиникидек ҳис қилади. Табиийки, одамлар Айланага интиладилар. Айтиш керакки, Айланалар одамларни жуда яхши «ўқиб оладилар» ва бир дақиқадаёқ муғомбирларни, алдоқчиларни билиб оладилар.

Айланалар ўз жамоаси (ўз командаси) учун курашадилар ва ҳамкасабалари орасида юқори мавқега эга бўладилар. Аммо улар, одатда, бизнес соҳасида кучли менеджер ва раҳбар бўла олмайдилар.

Биринчидан, Айланалар ишдан кўра кўпроқ, одамларга йўналганликлари учун ҳар бир одамга ёқишга жуда ҳаракат қиладилар. Улар тинчликни сақлашга ҳаракат қиладилар ва шунинг учун ҳам баъзида «қаттиқ» позицияни эгаллашдан ҳамда ҳаммага ҳам маъқул келавермайдиган қарорларни қабул қилишдан қочадилар. Айлана учун шахслараро конфликтга киришдан ҳам оғир нарса йук. Ҳамма одам бир — бирлари билан келишиб юрса, Айлана бахтли булади. Шунинг учун ҳам Айлана ким биландир низога киришса, айнан Айлана биринчи бўлиб ён бериши эҳтимоли кучли. Бошқалар билан ярашиш — хулқ — атворнинг типик «айланавий» белгисидир. Бу белги бошқаларга хурсандчилик келтирса, Айланани эса ўз ҳамкасблари орасида таниқли қилса-да, ҳаддан зиёд ён беришлар Айлананинг ўзига бўлган ҳурматининг йўқолишига, ўз — ўзини айблаш тенденциясининг кучайишига олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, Айланалар қатъиятлилик билан ажралиб турмайдилар. Агар уларга бошқарув тўғри келиб қолса, улар раҳбарликнинг яққол демократик услубини устун қўядилар ва ҳар бир қарорни кўпчилик билан муҳокама қилишга ҳамда уларнинг қўллаб - қувватлашларига таянишга интиладилар. Маълумки, бу нарса ҳар доим ҳам ўзини оқламайди: яхши имкониятни бой бериш мумкин. Бундан ташқари Айланалар «сиёсий ўйинларда» ожизлар, кўпинча ўзларини ва «ўз командаларини» зарур тарзда кўрсата олмайдилар. Бу ҳаммаси шунга олиб келадикки, кўпинча Айланаларни кучли шахслар масалан, Учбурчаклар ўзига қаратиб оладилар, Айланаларнинг бахти шундаки, улар ҳокимият кимни қўлида

эканлигидан унчалик хавотир олмайдилар. Асосийси, ҳаммининг кўнгли тўқ бўлса ва атрофда тинчлик ҳукм сурса бас.

Аммо битта нарсада Айланалар ҳавас қилгудек қаттиқлик намоён қиладилар. Агар масала ахлоқ ва ҳақиқатнинг бузилишига бориб тақалса, Айлана одамларнинг эҳтиросли ҳимоячисига айланади. Бунда Айланалар, агар хоҳласалар, жуда ишонарли бўлишлари мумкин. Одатга кўра уларнинг шахслараро низоларни аъло даражада ечишларида улардаги алоҳида фикрлаш шакли «айбдор».

Айлана — бу тўғри чизиқли шакл. Ҷзини ишонч билан Айланага таалуқли деб ҳисоблаганлар «ўнг ярим шарли» фикрловчиларга хосдир. «Ўнг ярим шарли» тафаккур — образлироқ, эмоционал тусли бўлиб, унда таҳлил қилувчанликка нисбатан интегративлик устундир. Шунинг учун ҳам Айланада информацияни қайта ишлаш Квадратдаги (Учбурчакдаги) сингари кетма — кетликда бўлмай, балки кўпроқ мозаик, узук — юлукрок, айрим звеноларни тушириб қолдирадиган (масалан а.. — ..д..) шаклда бўлади. Бу Айланалар мантиқни ёқтирмайди, дегани эмас. Инсоний муносабатлар соҳасида улар учун асосий нарса муаммонинг субъектив омилларига эътиборни қаратиш, яъни ҳатто қарама - қарши нуқтаи назарларда ҳам умумийликни топишга интилишдир.

Айтиш мумкинки, Айлана — туғма психолог. Аммо, катта жиддий бизнесни бошида туриш учун Айланага ташкилотчилик кўникмалари етишмайди.

**ЗИГЗАГ.** Бу шакл креативлик, ижодкорлик символидир. Чунки бешта шакл ичида бу энг нодир ва яккаю — ягона ёпилмаган шакл. Агар сиз асосий шакл сифатида Зигзагни қаттиқ танлаб олган бўлсангиз, сиз ҳақиқий «ўнг ярим шарли» фикрловчи, бошқача фикрловчисиз, чунки чизиқли шакллар ўзларининг миқдори билан сиздан устунликка эга. Квадрат ёки Учбурчак кўпинча сизнинг белгингизга эътибор беришмайди. Психологнинг: «Бу шаклни қаерга жойлаштирасиз?» — деган саволига: «Бу ҳам шаклми? Мен буни кимдир чизиб ташлаган нарса, деб уйлабман», деган жавобни олиш иумкин. Ниҳоят, Зигзаглар орасида бошқаларга қараганда кўпроқ чапақайлар учрайди. Бу ҳам уларнинг «ўнг ярим шарли» эканлигидан далолат, Шундай қилиб, энг яқин қариндошингиз Айлана сингари, сизга (фақат кўпроқ миқдорда) образлилик, интуитивлик, интегративлик, жимжимадорлик хос. қатъий, изчил дедукция — бу сизнинг услубингиз эмас. Зигзагнинг фикри жуда кучли: ҳатто А дан Я гача сакрашлар қилади. Шунинг учун ҳам кўпчилик чизиқли, «чап ярим шарли» шакллар учун Зигзагни тушуниш қийин. «Ўнг ярим шарли» тафаккур майда бўлакчаларда тўхталмайди: шунинг учун ҳам у дунё аксини нималардир ҳисобига соддалаштириб, яхлит гармоник концепциялар ва образларни кўра олади, гўзалликни кўра олади. Зигзаглар одатда ривожланган эстетик ҳисга эга бўладилар.

Зигзаг тафаккурида ҳар доим — «қандай бўлар экан агар?, «қандай бўлар экан агар бу ва ана у фикрларни бирлаштирадими? Бунинг натижасида нимага эга бўламиз?» деган савол устун бўлади. Бутунлай бошқа — бошқа, бир — бирига ўхшамайдиган фикрларни қўйиш ва шунинг асосида янги, оригинал фикрни топиш — мана Зигзагларга энг ёқадиган нарса. Айланадан фарқ қилиб Зигзаглар келишувчанликни хуш кўришмайди, аксинча — уларда

фикрлар конфликтини кескинлаштириш ва янги концепция тузиш орқали ушбу низолар ўз ечимини топади. Улар ўзларининг табиий ақли ўткирлигини ишлатиб, жуда захарханда бўлишлари, янги ечимлар имкониятига «бошқаларнинг кўзини очишлари» мумкин. Зигзаглар дунёни доимий ўзгарувчан ҳолда кўришга одатланганлар. Шунинг учун ҳам улар учун ҳеч қачон ўзгармайдиган нарсалар: шаблон, қоидалар ва кўрсатмалар, ҳар доим кўнадиган ёки ўзини кўнаётгандек кўрсатадиган одамлардан ҳам зерикарли нарса йўқ.

Зигзаглар яхши ташкиллаштирилган шароитларда самарали меҳнат қила олмайдилар. Аниқ вертикал ва горизонтал алоқалар, қатъий белгиланган вазифалар ва иш услубларининг доимийлиги уларнинг ғашига тегади. Улар учун иш жойида катта ранг — баранглик ва рағбатлантиришнинг юқори даражаси бўлиши зарур. Улар шунингдек, ўз ишида бошқаларга тобе бўлишни хохламайдилар. Бундай ҳолда Зигзаг жонланади ва ўзининг асосий вазифасини бажара бошлайди — янги фикрлар ва иш услубларини ўйлаб топа бошлайди. Зигзаглар ҳеч қачон нарсалар ҳосил қилишда ҳозир қилинаётган ёки олдин қилинган услублардан қониқмайдилар. Ҳеч нарса Зигзагни Квадратнинг «Биз буни ҳар доим шундай қилардик» дейдиган насиҳатомуз гапичалик жаҳлини чиқармайди, Зигзаглар келажакка интиладилар ва борлиққа караганда имкониятга кўпроқ қизиқадилар. Бошқалар учун нарсалар олами қанчалик реал бўлса, улар учун фикрлар, ғоялар олами ҳам шунчалик реал. Ёз ҳаётининг анча қисмини улар ушбу ҳаёлий дунёда ўтказадилар, шунинг учун ҳам улар амалиётда нўноқ нореал ва ишонувчанлар. Зигзаг бешта шакл орасида энг хаяжонланувчани, энг кўзгалувчанидир. Ёзида янги ва қизиқ фикр туғилса, уни бутун дунёга ёйишга тайёр. Зигзаглар — ўз фикрларини чарчамас тарқатувчиларидирлар ва ўз атрофидаги барчани бунга қизиқтириш қобилиятига эгадирлар. Аммо уларга сиёсийлик етишмайди: уларда босиқлик йўқ, «ҳақиқатни кўзига айтадилар», улардаги ғалатилик билан қўшилган ҳолда бу хусусиятлар ўз ғояларини ҳаётга татбиқ этишга ҳалақит беради. Бундан ташқари улар конкрет деталларни ишлашда ва бошлаган ишларини охирига етказишда унчалик кучли эмаслар. Лекин Зигзаглар жуда жозибадор одамлар бўладилар.

## **5-лаборатория иши**

### **Мавзу: Олий таълим муассасасини бошқаришнинг тузилиши**

Мазкур лаборатория ишини бажариш учун талабаларга Бухоро давлат университети ижтимоий-иқтисодий факультети билан ҳамкорлик қилувчи лицей –коллежларнинг ташкилий-бошқарув тузилмалари билан танишиш, университет ташкилий-бошқарув структурасини таҳлил қилиш ва таққослаш вазифаси топширилади. Уни бажариш учун Бухоро банк коллежи, Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи, Бухоро солиқ коллежи ташкилий структурасини ўрганиш мақсад қилиб қўйилади. Талабалар гуруҳи кичик 4 та гуруҳларга ажратилади. Ишни бажариш натижасида презентациялар тайёрланиб, химоя амалга оширилади.

## **6-лаборатория иши**

### **Мавзу: Таълим тизимида кадрлар сиёсати**

Мазкур лаборатория мавзуси доирасида талабаларга ишбилармон ўйини тақдим этилади. Ва улардан мазкур кейсни таҳлил этиш, ўз фикрларини билдириш ва ўз фаолиятларини баҳолашлари учун имконият берилади.

#### **Ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этувчи ўйинлар**

Ишбилармонлик ўйинини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Ўйинга кириш.
  2. Талабаларни гуруҳларга бўлиш.
  3. Вазиятни ўрганиш (сценария).
  4. Гуруҳларда вазиятни муҳокама қилиш ва ролларга тақсимлаш.
  5. Ўйин жараёни (таҳлил, узок муддатли режалар, уни режалаштириш).
  6. Ўйин натижалари. Гуруҳ фаолияти таҳлили. Талабалар ижро этган ролни баҳолаш.
  7. Оптимал вариантни танлаш.
  8. Умумий мунозара.
- Ўқитувчининг роли :

Ўйингача - инструктор, ўйин жараёнида маслаҳатчи, тугашида – жюри раиси, охири мунозара раҳбари.

Бошқарув жамоаси кадрни танлаш ва жой-жойига қўйиш .

Ишбилармонлик ўйинининг мақсад ва вазифалари.

Тижорат фирмасининг маркетинг тадқиқотлари хизмати бошлиғи бир неча кундан кейин нафақа ёшига етганлиги учун ишдан кетади. Шу сабабли фирма мазкур бўлимдан 2 кишини номзодини кўрсатди. Бири бошлиқ муовуни Рахимов А. ва иккинчиси бўлим бош мутахассиси Абдукаримовларни номзодини кўрсатган бўлса, иккинчи томондан бошқа бўлимдан ҳам фирма томонидан кўрсатилган. Булар Рустамов ва Ботировлар номзодларидир.

Талабалар бажаришлари керак:

1. Нафақага кетаётган бўлим бошлиғи ўрнига келтирилган 4 номзоддан бирини тавсия қилишда юқори даражада ёндошган ҳолда амалга оширилиши керак.
2. Ўз қарорларини номзодларни баҳолаш тизимини объектив кўрсаткичларига уларнинг шахсий ва ишбилармонлик хусусиятларига (сифатига) эътибор қаратиши керак.

#### **Ишбилармон ўйинининг сценарийси.**

Маркетинг тадқиқотлари хизмати бўлими тавсифи:

Маркетинг тадқиқотлари тижорат фирмаларининг хизмати ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ички ва ташқи сотув бозорлари билан боғлиқ муаммоларни ўрганади. Хизмат вазифаларига бозорни сифатли тадқиқ қилиш, зарурий ахборотларни йиғиш, уни компьютерлар орқали қайта ишлаш, реклама фаолиятини ташкил қилиш ва ўтказиш ва х.к. билан шуғулланади.

Маълумки, бозорда кучли рақобат кетади. Рақобат фирмаси ўз мавқеини ошириш ва кенгайтиришда назоратдан ички бозор ва ташки бозорини назарда тутати. Бу албатта бозор муносабатлари қонунлари асосида бўлиши даркор. Лавозимга номзодлар тавсифи .

1. Рахимов М.- ёши 50да, ўрта техник маълумотга эга, армияда хизмат қилган. Фирмада 1998 йилдан бошлаб бўлим бошлиғи муовини бўлиб ишлаб келяпти. Бошлиққа бўлим ишларини ташкил қилиш ишларида жуда катта ёрдам кўрсатди (ўнг қўл). Хизматни қайта ташкиллаштириш бўйича тадбирларни фаол ўтказди, иш жойларини замонавий техника билан қуроллантиришда жуда катта ишларни олиб боради. Ташаббускор, бироқ аста-секин ва хушёрлик билан ишга ёндашади. Севимли шиори «Етти ўлчаб, бир кес». Муомалали, меҳрибон дўст, етарлича талабчан эмас. Балиқ овлашни хуш кўради. Уйланган, 1 та ўғли бор.

2. Абдукаримов С. - бош мутахассис бу хизматда, ёши 40 да. Олий маълумотли. Фирмада 1992 йилдан бош мутахассис лавозимида ишлайди. Ишлаб чиқаришда ва бошқа масалалар, қарорлар қабул қилишда Абдукаримов С. етарлича ташаббускор эмас. Бироқ доимо фойдали ижодий ғояларни қўллаб қувватлайди, кўпинча эпчил ва ғайратлидир, таклифларни муаллифи бўлиб қолади. Абдукаримов С. - жуда талабчан, ҳаттоки қатъийдир. Ташқи кўринишидан қадди қоматли ва келишган кишидир. Қатъий ишловчилар билан камдан-кам ҳазиллашади, меҳнат интизомини бузганларга ва ноҳақ ишловчиларга нисбатан кечиримсиздир. Ишловчилар Абдукаримов С.ни ҳурмат қилишади, у шахмат ўйнашни хуш кўради, бироқ ўзи кам ўйнайди. Ўйновчиларга, хусусан ютказаётганларга нисбатан маслаҳатлар беришни яхши кўради. Жуда катта қониқиш ҳосил қилади, қачонки уни ёрдамида ғалаба қозонса. Уйланган, икки боласи бор. Соғлом.

3. Рустамов Б. - бошқа хизмат мутахассиси, ёши 27 да. Маълумоти олий, муҳандис. Фирмада институтни битиргандан кейиноқ ишлай бошлаган. Рустамов ташаббускор, ҳар-хил қарорлар қабул қилишда ижодий ёндашув унда кучлидир. Бироқ кўп хатоликка йўл қўяди. Тажриба етишмаслиги кўриниб туради. Мақсадга интилувчан, шижоатли ва ғайратлидир. Фирмани тажрибали ишловчилари билан доимо маслаҳатлашиб туради. Барча билан музокараларга осон киришади (фирма раҳбарлигига).

Ўз таклифларини хатолигини кўради, тезда уни рад қилади. Рустамов Б. миллий ва чет эл даврий адабиётларини кўп ўқийди. Камдан-кам расмий мунозараларга киришади. Барча билан яхши муомалада бўлиб, ҳазилни яхши кўради. Ишловчиларни қайфиятларини уларнинг талаб ва қизиқишларини яхши билади. Соғлом, спортга қизиқади. Уйланган, боласи йўқ.

4. Ботиров К.- 38 ёшли, муҳандис-иктисодчи. Маълумоти олий. 1991 йилдан молия хизмати бўлимида (тижорат фирмасини) ишлайди. Тижорат фирмасида айтарли ишбилармонлик алоқаси ва мартабасига эга. Ботиров аниқ тижорат фирмаси ҳақида оз билади, бироқ фирмани ишбилармонлик шерикларига энг муҳим тавсияларини беради. Ғайратли қатъий одам. Малакали мутахассис.

Номзодлар қуйидаги уч йўналишда баҳоланиши лозим:

1. Психологик (руҳий);
2. Ишбилармонлик;
3. Ахлоқий.

## **7-лаборатория иши**

### **Мавзу: Ривожланган хорижий мамлакатлар олий таълим тизимини бошқариш тажрибаси**

Талабаларни 4 та гуруҳга ажратиб, уларга ривожланган АҚШ, Германия, Франция ва Россия Федерацияси олий таълим тизими ва уни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумотлар йиғиш, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини Венн диаграммаси орқали изоҳлашни вазифа сифатида топшириш. Талабалар мазкур ишни презентация асосида намоиш қилишлари сўралади.

## **8-лаборатория иши**

### **Мавзу: Олий таълим тизими маркетинг фаолиятини бошқариш**

Мазкур лаборатория ишини бажариш учун талабалар гуруҳи Бухоро давлат университети маркетинг бўлимига ташриф буюради. Бўлим фаолияти билан тўлиқ танишиб, кадрларнинг тақсимооти ва унинг самарадорлиги кўрсаткичларини таҳлил этишади.

## **9-лаборатория иши**

### **Мавзу: Олий таълим иқтисодиёти**

Бухоро давлат университетининг иқтисодий- ижтимоий кўрсаткичларини университет паспорти ва бухгалтерия ҳисоботлари асосида ўрганиш ва таҳлил этиш. Жумладан, жорий ва ўтган йил даромадлари, асосий харажатлар статьяларини ўрганиш, молиявий таҳлил ўтказиш ва хулосалар чиқариш вазифаси топширилади. “Сиз университет молиявий ва хўжалик ишлари бўйича ректор муовини бўлганингизда нималарга кўпроқ аҳамият берган бўлар эдингиз?” деган саволга ўз фикрларини билдиришади.

## **Лаборатория ишларини бажарилишини баҳолаш бўйича кўрсатма**

Дастурдаги мавзулар бўйича лаборатория машғулотларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш жорий баҳолашнинг таркибий қисмида ўз ифодасини топади. Мазкур жараёнда таълимнинг замонавий методларидан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш самарали натижа беради. Бу борада замонавий педагогик технологиянинг Аклий хужум, Бумеранг, “Кластер”, Такдимот, «Муаммоли таълим» технологиясининг «Мунозарали дарс» методига доир слайдлардан фойдаланиш, дидактик ва ролли ўйин усулларини қўллаш назарда тутилади.

## БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

ЖБ	Талабанинг билим даражасига қўйиладиган талаблар
%	
86-100	моҳиятни тушунади мавзуни(саволни) билади ва айтиб бера олади савол бўйича тасаввурга эга амалиёт билан боғлай олади мустақил мушоҳада юрита олади ижодий ёндошувга эга хулоса ясай олади
71-85	моҳиятни тушунади мавзуни(саволни) билади ва айтиб бера олади савол бўйича тасаввурга эга амалиёт билан боғлай олади мушоҳада юрита олади
55-70	моҳиятни тушунади мавзуни(саволни) билади ва айтиб бера олади савол бўйича тасаввурга эга
0-54	мавзу (савол) бўйича аниқ тасаввурга эга эмас мавзуни (саволни) билмайди, ёки айрим элементларини айта олади.

### Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. ., “Ўзбекистон”, 2009 й.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, Ўзбекистон, 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги Қонуни. Тошкент, Ўзбекистон, 1997 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини ислохотлаштириш бўйича меъерий ҳужжатлар. 1-2 қисм. Т.: 1998 й.

5. Ахлиддинов и др. “Управление образованием в Узбекистане: проблемы, поиск, решения”. Т. “Ес-ТАСИС”. 1999г.
6. Бакирова Г.Х. Психология эффективного стратегического управления персоналом: учебное пособие.-М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2008.-591с.
7. Батденко В.И. “Стандарты в непрерывном образовании: Концептуальные, теоретические и методические проблемы”. М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов. 1999 г.
8. Берденникова Н.Г., Меденцев В.И., Панов Н.И. Организационное и методическое обеспечение учебного процесса в вузе. Учебное пособие. СПб, Д.А.Р.К. 2006. 208 с.
9. Вачуков Д.Д., Кислякова Н.А. “Практикум по менеджменту: деловые игры”. Учебное пособие. Выс. Шк. 1998 г.
10. Кибанов А.Я., Захаров Д.К., Коновалова В.Г. Этика деловых отношений. Учебник. М.: ИНФРА-М, Высшее образование. 2005. – 368 с.
11. Корзникова Г.Г. Менеджмент в образовании. Практический курс. М., “Академия”, 2008 г.-288 стр.
12. Махмудов И. Бошқарув психологияси. Ўқув қўлланма. Т.: 2007. 230 б.
13. Морева Н.А. Технологии профессионального образования. М.: Издательский центр “Академия”, 2008 г. 432 с.
14. Никуленко Т.Г. Психология менеджмента. Ростов на Дону.: Феникс. 2007. – 349 с.
15. Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. Т. Молия. 2005.
16. Самоукин А.И., Самоукина Н.В. Экономика и психология бизнеса. Дубна.: Феникс+, 2001. – 160 с.
17. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности. Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2004. – 316 с.
18. Трайнев В.А., Дмитриев С.А. Менеджмент и маркетинг в образовании, науке и производстве и его информационное обеспечение. Методология и практика. М., Университет информатизации и управления. 2008.
19. Фуломов С.С. “Менежмент асослари”. Т.: 2002 й.
20. Глухов В.В. Менеджмент: Учебник для вузов. – СПб: Питер, 2008. -608 с.
21. Щербатых Ю.В. Психология предпринимательства и бизнеса. Учебное пособие. СПб.: Питер, 2009. – 304 с.



## ИЛОВА

### ТЕСТ №1: «Ўзгаларни тинглай оласизми?»

Қуйида берилган саволларга жавобларнинг ўзингизга мосини танлаб белгиланг.

1. Сизнингча, суҳбатлашишдан мақсад нима?
  - a) Суҳбатдошни яхшироқ ўрганиш
  - b) Бирор масала буйича ўз фикрини билдириш
  - c) Фикр алмашилиш ва муҳокама қилиш
2. Сизга болалар «Булутлар қаерда ухлайди?», «Бувилар кичкина бўлишганми?» тарзида саволлар беришадими?
  - a) Ҳа, тез-тез
  - b) Ҳеч қачон
  - c) Баъзан
3. Эрталаб ишга кетаётиб, қўшиқ хиргойи қиласизми?
  - a) Ҳа, доимо бир хил ашулани
  - b) Ҳа, одатда хар хил ашулани
  - c) Йўқ, ҳеч қачон
4. Йиғилиш охирида маърузачига саволлар берасизми?
  - a) Ҳа, доимо ниманидир сўрашга тўғри келади
  - b) Баъзан, унинг фикри билан қўшилмаганимда
  - c) Ҳеч қачон
5. Дўстингиз ёки касбдошингиз билан суҳбатлашгандан сўнг ўша муаммо юзасидан ўз қарашларингизни ўзгартирганмисиз?
  - a) Кўпинча шундай бўлади
  - b) Баъзан
  - c) ҳеч қачон
6. Ким биландир суҳбатлашаётганда:
  - a) Кўпроқ сиз гапирасиз
  - b) Кўпроқ суҳбатдошингиз гапиради
  - c) Иккилангиз тенг гапирасиз
7. Нархи бир хил бўлганда сиз нимани харид қилишни афзал кўрасиз?
  - a) Китобни
  - b) Видеокассетани
  - c) Кинога боришни
8. Шерингиз Сизга алоқаси бўлмаган ўз муаммоси хусусида гаплашмоқчи. Сиз нима деб ўйлайсиз?
  - a) «қимматли вақтни йукотдим-а»
  - b) «энди унга таъсирим кучлироқ бўлади»
  - c) «унга ёрдам беряпман»
9. Қуйидаги жумлаларнинг қай бири сизнинг нуқтаи назарингизга тўғри келади?
  - a) Айни муаммо юзасидан мутахассисгина аниқ фикрга эга бўлиши мумкин
  - b) Чиройли гапиришни билган одам ҳоҳлаган мавзусида ҳам гапириши мумкин
  - c) Кўпинча мутахассисларга ўз муаммолари ва ғояларини баён этиш учун нотиклик малакаси етишмайди
10. Суҳбат чоғида хаёлингиз чалғиб кетса, нима қиласиз?
  - a) Гапираётгани тўхтатиб, ўша ерни такрорлашни сўрайман
  - b) Суҳбат охирида сўраш учун ўзим учун ноаниқ жойни эслаб қоламан
  - c) Умуман, менга ҳамма нарса аён
11. Эрталаб радио оркали эшитган ахборот еки қўшиқни қайтара оласизми?
  - a) Ҳа, доимо
  - b) Ҳа, лекин эсга тушириш учун вақт керак
  - c) Эслай олмайман
12. Эстрада қўшиқчисида сизга кўпроқ нима ёқади?
  - a) Овози
  - b) Ташқи кўриниши
  - c) Саҳнада ўзини тутиши
13. Концертларга тушиш сиз учун:

- a) Қониқиш ҳосил қиладиган ходиса
- b) Кўп қатори бўлиши
- c) Яхши кўрган хонанда билан учрашув

**14. Сиз меҳмондасиз, у ерда сиздан бошқа яна 5-6 киши бор. Сиз гап бошлаганингизда, кўпинча:**

- a) Сизни ҳеч ким тингламайди
- b) Ҳамма сизга маҳлиё бўлади
- c) Сиз суҳбатнинг ташаббускори эмассиз

**15. Сиз жамиятда рўй бераётган барча ҳодисалардан хабардорсиз. Чунки сиз:**

- a) Мунтазам телевизор кўрасиз
- b) Радио эшитасиз
- c) Газета ўқийсиз

Балларни ҳисоблаш:

Саволлар	Жавоблар			Саволлар	Жавоблар		
	a	b	c		a	b	c
1	2	1	3	9	1	2	3
2	3	1	2	10	3	3	1
3	2	3	1	11	3	2	1
4	2	3	1	12	3	1	2
5	2	3	1	13	3	1	2
6	1	2	3	14	2	3	1
7	3	1	2	15	3	3	1
8	1	2	3				

Балларни қўшиб чиқинг.

15-20 балл. Сиз ўзгаларни тингламайсиз. Балки сиз ўзгаларни тинглашдан оладиган фойданинг кадрили билмассиз, лекин сиз билим ва тажриба учун бу ишнинг фойдасини билишингиз зарур.

25-30 балл. Сиз ўртача тингловчисиз. Сиз учун суҳбат маълумот манбаи ва мулоқот учун етарли асос эмас. Сиздан кўп нарсани ўрганиш мумкин, лекин ўзингиз ҳам бошқалардан кўп нарса олишингиз мумкинлигини, танқид ва эътирозлар ҳам фойдали эканлигини унутманг, кўпроқ бошқаларни тингланг.

35-45 балл. Сизда ноёб сифат – ўзгаларни тинглаш ва меъёрида гапириш бор. Сиз билан суҳбатлашиш жуда яхши, чунки суҳбатдош сиздан доимо наф олади. Сиз ўзгаларнинг ҳолатларини тушунишга ҳам мойилсиз, ана шу ноёб сифатни сақланг.



## ТЕСТ №2: Мулоқотга киришувчанлик”

(В.Ряховский тести)

Қуйида берилган 16 саволга “ха”, “йўқ”, “баъзан” деб жавоб беринг.

**1. Сизни амалий учрашув кутмокда. Уни бетокатлик билан кутасизми?**

2. Сизни бирор касаллик ҳолдан тойдирмагунча, врачнинг олдига боришни орқага суравермайсизми?

3. Сизни бирор мавзудаги ахборот билан йигилиш, мажлис ва шунга ўхшаш тадбирда маъруза билан чиқиш топшириғи хавотирга соладими?

4. Сизга илгари бормаган шахрингизга сафарга бориб келишни таклиф этишди. Шу сафарга бормаслик учун бор имкониятни ишга соласизми?

5. Ўзингиздаги ҳиссий кечинмалар билан кимлар биландир ўртоқлашишни яхши кўрасизми?

6. Кўчада сизга нотаниш одам бирор илтимос билан мурожаат қилса, сизнинг ғашингиз келадими?

7. Сиз “Оталар ва болалар” муаммоси борлиги ва турли авлод вакилларининг бир-бирларини тушунишлари қийинлигига ишонасизми?

8. Танишингизга бир неча ой аввал олган қарз пулини эслатишга уяласизми?

9. Ошхона еки ресторанда сизга ёқмайдиган таом беришди, идишни четга суриб, аччиғингиз келганини яшира оласизми?

10. Бегона одам билан ёлғиз қолганингизда, у биринчи бўлиб гап бошласа, Сизга жавоб қайтариш малол келадими?

11. Сиз турли ерларда одамларнинг узун навбатда туришганини кўрсангиз, тоқатингиз тоқ бўладими? Навбатда туриб кутишдан кўра, ўз ниятингиздан воз кечишни афзал кўрасизми?

12. Бирор жанжалли вазиятни муҳокама қилиши керак бўлган комиссиянинг аъзоси бўлишдан кўрқасизми?

13. Сизда бирор адабиёт, санъат ва маданият асарларини баҳолашнинг соф индивидуал мезонлари бор ва бу борада бошқаларнинг фикрини қабул қилмайсиз. Шундайми?

14. Сизга жуда таниш бўлган масала бўйича бошаларнинг нотўғри фикрларини тасодифан эшитиб колсангиз, индамай қўя қоласизми?

15. У ёки бу масалада ёрдам беришингизни сўрашса, сиз бундан оғринасизми?

16. Ўз нуқтаи назарингизни оғзаки баён этгандан кўра, уни ёзма тарзда ифодалашни афзал кўрасизми?

Энди балларни ҳисобланг:

“ха” – 2 балл, “баъзан” – 1 балл, “йўқ” – 0. Шу тарзда балларни қўшиб чиққач, одамларнинг қайси тоифасига киришингизни билиб оласиз.

14-18 балл. Сизнинг мулоқотга киришувчанлигингиз яхши, ўртача. Сиз кўп нарсага қизиқасиз, бошқаларни бажонидил тинглайсиз, ўзгалар фикрига сабр-тоқатлисиз, ўз фикрингизни босиқлик билан изҳор этасиз. Бегоналар билан учрашувга бориш сиз учун унчалик нохуш эмас, лекин шовқин-суронли даврани ёқтирмайсиз, одамларнинг сергапи сизга екмайди.

9-13 балл. Сиз мулоқотга киришувчансиз. Қизиқувчан, сергап, турли масалаларда ўзгалар билан гаплашишни яхши кўрасиз. Янги одамлар билан танишиш, давранинг диққат марказида бўлишни ёқтирасиз. Ўзгаларнинг илтимосларини бажармасангиз ҳам қабул қилаверасиз. Аччиғингиз тез, лекин тез совийсиз. Сизга сабр-тоқат, қийинчиликлар билан тўқнашганда жасорат етишмайди. Лекин астойдил ҳоҳласангиз, ўзингизни ён бермасликка кўндиришингиз мумкин.

4-8 балл. Сизнинг мулоқот малакангиз ёмон эмас, сиз барча ишларнинг гувоҳи бўлиб юрасиз. Мунозараларда қатнашишни яхши кўрасиз, бирор масала юзасидан юзаки тасаввурга эга бўлсангиз ҳам, уз фикрингизни айтишни хоҳлайсиз. Ишни охирига олиб бора олмасангиз ҳам ҳар қандай ишни бошлайверасиз. Шунинг учун ҳам раҳбарларингиз ва касбдошларингиз сиздан хавотирда бўлишади. Бу ҳақда ўйлаб кўринг.

3 ва ундан кам балл. Сизнинг коммуникатив малакаларингиз яхши эмас, сиз сергапсиз, ҳар нарсага аралашаверасиз. Ўзингиз умуман беҳабар булган нарсалар хусусида ҳам фикр юритаверасиз. Ихтиёрсиз тарзда турли зиддиятлар ва жанжалларнинг иштирокчисига айланиб коласиз. Жиззаки, салга хафа бўладиган одатингиз бор, шунинг учун одамлар сиз билан чиқиша олмайдилар. Ўзингизни тутиш, сабр-тоқатли бўлиш учун одамларга ҳурмат билан қарашга ўрганинг. Қолаверса, ўз соғлигингиз ҳақида қайғуринг, чунки бундай ҳаёт тарзи изсиз бўлмайди, асабларингиз чарчаб қолиши мумкин.